

**ТАЪЛИМ МЕНЕЖЕРЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ КОМПЕТЕНТЛИК
ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Эргашева Турсуной Урдушевна

*Ориентал университети “Таълим менежменти” мутахассислиги
магистратура талабаси, tursinojergaseva15@gmail.com*

Жуманиёзов Қудрат Сапоевич,

Математика ва АТ кафедраси профессори

**ИНФОРМАЦИЯ О
СТАТЬЕ**

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 26.06.2026

Revised: 27.06.2026

Accepted: 28.06.2026

**КЛЮЧЕВЫЕ
СЛОВА:**

*Таълим менежери,
рақамли компетентлик,
рақамли саводхонлик,
рақамли технологиялар,
ахборот-коммуникация
технологиялари, таълим
бошқаруви, касбий
ривожланиши,
рақамлаштириши,
бошқарув самарадорлиги.*

Биз ушбу тезисда таълим менежерларининг рақамли компетентлик даражасини ошириш йўналишларини таҳлил қилиб чиқамиз. Ва у орқали замонавий рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришининг муҳим жиҳатларини очиқ бериш мақсад қилинган. Таълим тизимини рақамлаштириш таълим менежерларидан юқори даражадаги рақамли компетентликни талаб этади. Тадқиқотда рақамли саводхонлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, рақамли бошқарув воситалари ҳамда касбий ривожланиш масалалари кўриб чиқилган. Халқаро тажриба ва Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар асосида амалий мисоллар келтирилган. Натижада, рақамли компетентликни ошириш таълим бошқаруви самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши ёритиб берилади.

Кириш. Таълим менежерларининг рақамли компетентлиги замонавий таълим тизимини самарали бошқаришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши таълим бошқарувига янги ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда, бу эса таълим менежерларининг рақамли билим ва кўникмаларини мунтазам ривожлантириш заруратини юзага келтиради. Ушбу мавзунинг долзарблиги Ўзбекистонда таълим тизимини рақамлаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда янада ортади. Хусусан, электрон бошқарув тизимлари, рақамли таълим платформалари ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши таълим менежерларининг рақамли

компетентлигини оширишни долзарб масалага айлантирмоқда. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларга асосланиб, таълим менежерларининг рақамли компетентлигини ривожлантириш йўналишларини таҳлил қилиш орқали олиб борилди.

Тадқиқот мақсади таълим менежерларининг рақамли компетентлик даражасини ошириш йўналишларини таҳлил қилиш ва уларнинг таълим бошқаруви самарадорлигидаги аҳамиятини баҳолашдан иборатдир. Тадқиқотда таҳлил, таққослаш ва илмий манбаларни ўрганиш усулларида фойдаланилди. Ушбу иш таълим менежерлари, педагоглар ҳамда таълим бошқаруви соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар учун амалий аҳамият касб этади.

Асосий қисм. Таълим менежерларининг рақамли компетентлиги замонавий таълим тизимини самарали бошқаришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У таълим жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ҳамда рақамли технологиялардан самарали фойдаланишни ўз ичига олади. Рақамлаштириш жараёни таълим менежерларидан ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ҳужжат айланиши ва рақамли бошқарув платформаларидан фойдаланиш бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Халқаро тадқиқотларда рақамли компетентлик таълим бошқарувининг муҳим кўрсаткичи сифатида баҳоланса, Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамли компетентликнинг асосий таркибий қисмлари:

1. рақамли саводхонлик;
2. ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
3. рақамли бошқарув ва маълумотлар билан ишлаш.

Рақамли саводхонлик таълим менежерларининг ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш қобилиятини белгилайди. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш электрон платформалар, масофавий таълим тизимлари ва бошқарув дастурлари билан ишлаш имконини беради. Рақамли бошқарув эса таълим муассасасида қарор қабул қилиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасида Microsoft Teams, Google Workspace, Moodle, NEMIS ва бошқа рақамли платформалардан кенг фойдаланилмоқда. Бу воситалар таълим жараёнини ташкил этиш, ҳужжатлар билан ишлаш ва маълумот алмашинувини тезлаштириш имконини беради. Халқаро тажрибада рақамли компетентликни ривожлантириш узлуксиз малака ошириш курслари, онлайн тренинглар ва амалий машғулотлар орқали амалга оширилади. Ўзбекистонда ҳам таълим тизимини рақамлаштириш жараёнида раҳбар кадрларнинг рақамли кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Рақамли компетентликни ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, айрим таълим муассасаларида техник инфратузилманинг етарли эмаслиги, рақамли ресурслардан фойдаланиш

кўникмаларининг турлича даражада эканлиги ҳамда ахборот хавфсизлигига оид билимларнинг етарли эмаслиги шулар жумласидандир. Шунинг учун рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, доимий касбий ривожланиш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса. Таълим менежерларининг рақамли компетентлик даражасини ошириш йўналишлари таҳлили шуни кўрсатадики, рақамли компетентлик таълим бошқаруви самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Рақамли саводхонлик, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва рақамли бошқарув воситаларини қўллаш таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиради. Бироқ техник инфратузилма, рақамли кўникмалар даражаси ва инновацион ёндашувларни жорий этиш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам мавжуд. Шунинг учун таълим менежерларининг рақамли компетентлигини мунтазам ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон таълим тизимида рақамли бошқарувни такомиллаштиришга ҳисса қўшади, чунки рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш бошқарув сифатини оширади.

Устоз ва мураббийлар учун маслаҳатлар: Тадқиқот натижаларидан малака ошириш курслари ва амалий машғулотларда фойдаланиш, таълим менежерларига рақамли платформалар билан ишлаш бўйича амалий топшириқлар бериш назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлайди. Замонавий рақамли воситалардан фойдаланиш бўйича мунтазам тренинглари ташкил этиш рақамли компетентликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шуғулланувчилар учун маслаҳатлар: Рақамли таълим платформалари ва ахборот-коммуникация технологиялари билан мунтазам ишлаш, янги рақамли дастурларни ўрганиш ҳамда онлайн малака ошириш курсларида иштирок этиш касбий компетентликни оширади ва таълим бошқарувида самарали фаолият юритиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. **Таълимда инновацион технологиялар.** – Тошкент: «Фан ва технология», 2021. – Б. 45–67.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ. **Педагогик компетентлик ва касбий ривожланиш асослари.** – Тошкент: «Fan va texnologiyalar», 2020. – Б. 82–104.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Ҳ. **Педагогик технология: назария ва амалиёт.** – Тошкент: «Fan va texnologiyalar», 2019. – Б. 118–136.
4. Абдуқодиров А.А. **Таълимни ахборотлаштириш ва рақамли таълим муҳити.** – Тошкент: «Ўзбекистон», 2022. – Б. 56–79.

5. Раҳимов Ш. Таълим менежерларининг рақамли компетентлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари // *Замонавий таълим* илмий-амалий журнали. – Тошкент, 2023. – №4. – Б. 37–42.

6. Ziyonet электрон кутубхонаси. <https://library.ziyonet.uz>

7. Википедия. Таълим менежменти.
https://uz.wikipedia.org/wiki/Та%27lim_menejmenti

